ПРОДУЦИЕНТ ВА РЕЦИПИЕНТ МУНОСАБАТИНИНГ МАТННИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДА АКС ЭТИШИ

Ш.Ҳ.АЛПОНОВА

В статье рассматривается процесс создания художественного текста писателем и отражение в нём его внутреннего мира, психологии и духовного состояния. Положительный эффект восприятия текста во многом зависит от совпадения взглядов писателя с отношением читателя к реальному миру.

This article discusses the process of creating literary text by the writer and expression of his inner world, psychology and spiritual state. The author tries to show that creation of positive effects of the literary work may be reached depending on the coincidence of the viewpoints of the creator and that of the reader.

Нутқий тафаккур жараёни ички нутқ ва ташқи нутқдан иборат. Шундан келиб чиқиб, матннинг вужудга келиш модели ҳам нутқнинг ҳосил бўлиши модели билан ўхшаш деб айта оламиз. Чунки бунда ҳам семантик режалаштириш босқичи ва вербал ифодаланиш босқичи мавжуд. Шу билан бирга матн яратилишининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Аввало, матнни режалаштириш босқичи анча тартибли бўлади. Оғзаки ифодада ички нутқ босқичи тушиб қолса, матннинг яратилишида аксинча. Нутқий ифода баъзи содда новербал вазиятларни ўз ичига олса, матннинг яратилишида бу кенгроқ планда намоён бўлади. Матн яратилишининг асоси реал вазиятлардан ташқарида бўлиши, муаллифларнинг матн ортидаги вазиятларга турлича муносабатини акс эттириши мумкин. Бадиий матн тил ёрдамида борлиқни акс эттиради. “Бадиий матн борлиқни ва ҳаракатланувчи, фикрловчи, ҳис қилувчи инсонни уни ўраб турган муҳити билан бирга тасвирлайди.” [1.33] А.А.Потебня масални таҳлил қила туриб, унинг кундалик турмуш муносабатларини, одамнинг феъл-атвори, инсон маънавий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олишига эътибор берган эди. Бу фикр барча бадиий асарларга тегишлидир. Инсоннинг ички дунёси, унинг борлиққа муносабатини, кишиларнинг ўзаро муносабатларини тўлақонли акс эттириш бадиий матннинг устувор вазифасидир. Инсоннинг борлиққа муносабати моделини тил воситалари ёрдамида ифодалаш ҳар бир матн учун хосдир. Муаллиф матнни яратар экан, ўз дунёқарашига мос келадиган ҳаётий ҳодисаларни танлаб олади. Тўқима, аммо ҳақиқатга зид бўлмаган ҳолатлар муаллифга ўз фикрини, қарашларини тасдиқлаш ва тушунтириш мақсадида моделлаштирилади. Шу ўринда А.Ориповнинг машҳур “Тилла балиқча” шеърини келтириш ўринли.

Тухумдан чиқдию келтириб уни
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.
Ташландиқ ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёптилар.
Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.
Менга алам қилар, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни... [2.98]

Турғунлик психологияси, тор доирада фикрлаш, оёқ остидан нарини кўролмаслик, кундалик ташвишлар билан овора бўлиб, умуминсоний, асрий қадриятлардан узилиш, ватанпарварлик, элюрт равнақи учун кураш каби улуғ мақсадлардан узоқлашиш ҳақида соатлаб гапириш, бир неча китоб ёзиш ёки шоирдек бу улкан муаммони саккиз қатор шеърга жо қилиш мумкин. Муҳими, продуциент А.Орипов ўз олдига қўйган мақсадига тўла эришди: кенг китобхон омманинг хаёлида ички нутқ сифатида яшириниб турган фикрларга мос шаклни топиб реаллаштирди, яъни ташқи нутққа айлантирди. Шу сабабли ўқувчилар – реципиентлар матнни шоир кутгандек қабул қилдилар.

Бир воқеа бир неча киши томонидан сўзлаб берилганда, унинг турли баёнлари ҳосил бўлади. Натижада бир-бирига ўхшамаган матнлар яратилади. Бу билан матнлар ранг-баранглиги муаллифнинг борлиқнинг турли соҳаларига мурожаат қилгани учунгина эмас, айни ҳолатга инсонларнинг турлича ёндашувига ҳам боғлиқлигини исботлаш мумкин.

Илмий матн муаллифи борлиққа объектив ёндашиб, реал воқеликни тасвирласа, ёзувчи ҳақиқат чегарасидан чиқиб, нореал, тўқима образлар дунёсида қалам суришга ҳақли. Демак, матн яратилишида субъектив омилнинг роли катта. В.А.Звегинцев фикрича, муаллифнинг дунёқараши тил воситасида ифодаланади ва ҳар қандай

воқеликнинг тасвири асосида яратувчисининг шахсий дунёқараши ётади [3.20]. В.О.Шкловский бу фикрни қуйидагича талқин этади: “Шоирлар ўз асарларига поэма, қасида, пародия ёки оддий шеър деб ном берадилар ва бу билан қабул қилиш жараёнини енгиллаштирадилар. Лекин улар фикрлар оқими қай томонга кетишини, қандай образлар яратилишини ҳеч қачон билмайдилар” [4.56]. Шоир ва ёзувчиларнинг тутқич бермас хаёлларга асир бўлишлари ва нимани, қандай, қачон ёза оласиз? деган саволларнинг ҳамиша очиқ қолиши турли тадқиқотчилар томонидан психологик нуқтаи назардан турлича баҳоланган. Кўпчилик олимлар ва ижодкорлар фикри ижод ижодкорнинг ихтиёридан ташқари бўлган ҳодиса деган нуқтаи назарда тўқнашади. Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда ижод туғма истеъдод, юксак туйғулар меваси эканлигини таъкидлаймиз. Хоҳ сўз санъати, хоҳ рақс санъати, хоҳ рассомлик санъати бўлсин, унда ҳамиша эзгулик, ёруғлик ғалаба қилади. Шунинг учун ижод ҳамма нарсани мағлуб қилган вақтдан ҳам ғолибдир.

Абдулҳамид Чўлпон бу ҳолатни шеърий сатрларда чиройли ифодалаган.

Мен шоирми?
“… хаёлимнинг кўзлари билан,
Бир гўзал ҳолатни кўриб тураман;
Лаззатга ғарқ бўлиб, ўлиб тураман.
У ҳолни борлиқнинг сўзлари билан –
Англатиш, қўлимдан келмай қоладир.
Шу чоқда тилларим қалдираб кетиб,
Борлиғим – йўқликка ғалдираб кетиб
Дейманки: “Бошқалар билмай қоладир”-
Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим,
Ўхшаш нусха билан, ёзиб берардим,
Шу ожиз ҳолимда, шоирманми мен?..”[7.58]

Ёзувчи оламининг моҳияти ирсият, миллийлик ва ижодкорнинг шахс сифатидаги ўзига хос психологияси билан узвий боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам, муаллифнинг шахс сифатидаги ўзига хослиги бадиий матннинг шакли ва мазмунига сезиларли таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатни санъатнинг барча соҳаларида учратиш мумкин. Масалан, рассомчиликда, ҳайкалтарошликда, мусиқада, рақсда, наққошликда… Асарда ижодкорнинг диди, таъби, дунёқараши ёки айни асар яратилаётган пайтдаги руҳияти акс этади.

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Мавзу танлашда продуциентнинг (ёзувчи, шоир, драматург) роли катта, яъни ҳар ижодкорнинг узоқ йиллар давомида хаёлида етилаётган мавзулари бўлади. Абдулла Қодирий бир савдогар йигитнинг мунгли севги қиссасини болалигида эшитган эди. Вақти келиб бу ўзбек адабиётининг кўрки бўлган Отабек ва Кумуш муҳаббати ҳақидаги биринчи мукаммал тарихий роман бўлишини ҳатто ёзувчининг ўзи ҳам билмаган. Тарихий асар оммабоп бўлар экан деб кўр-кўрона бу мавзуга қўл урган қанча ёзувчиларнинг “семиз” асарлари ҳамон жавонларда чанг босиб ётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ёки ҳозирги кунда урф бўлган детектив жанрни олайлик. Ҳар ҳафтада бир янги муаллиф газета-журналларни ўзларининг олди-қочди “мафиябозликлари” билан тўлдирмоқдаларки, бундай асарларнинг умри ҳам рўзнома етган жойгача бўлаётгани фикримизни яна бир бор исботлайди.

Продуциент индивидуаллиги бадиий матнда тасвирланаётган муаммода ва ғояда ҳам намоён бўлади. Борлиқдаги ҳар қандай ҳодиса санъат соҳасида тасвирландими, у нафақат борлиқдаги маъносига, балки ижодкор ички дунёсининг белгисига ҳам айланади. Шунинг учун ҳар қандай бадиий матнга, у қайси миллатга, қайси адабий-бадиий анъаналарга, қайси маданиятга мансублигидан қатъи назар, муаллиф дунёқараши муҳрланади.

2. Асарнинг ғоявий-тематик моҳияти, муаллиф яратган характерлар асосида аниқланади (конкретлашади). Яъни асар қаҳрамонларининг юриш-туриши, руҳий кечинмалари, асар ғоясининг аниқ ва ишончли ифодаланишига хизмат қилади. Ёзувчи ижоди жараёнида ўзининг ички кечинмаларига асосланмай иложи йўқ. Асар қаҳрамонининг характерини, шахсини очишда ихтиёрий ёки беихтиёр ўз ҳис-туйғу, истак ва талабларини тасвирлайди. Бошқача айтганда, муаллиф матндаги ижобий қаҳрамонга ўзига яқин ва тушунарли бўлган сифатлар беради, персонажларнинг ҳаёти, ҳаракатлари ҳам муаллиф назарида тўғри, айни ҳақиқат деб тан олинган йўналиш бўйича амалга ошади. Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонларига қуйидагича таъриф беради:

Отабек: “...оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит”[8.7].

Эътиборни тортадиган жиҳати шундаки, салбий персонажлар ижобий қаҳрамон хислатларига зид бўлган, муаллиф ёқтирмайдиган характерга эга одам қиёфасида тасвирланади. Ёзувчи руҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, Ҳомид образининг қуйидагича тасвирланиши ўринли: “... узун бўйли, қора, чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз киши эди” ёки Со-

диқ: “... йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, уккининг кўзидек чақчайиб ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзига парчинлангандек юза (пучуқ) бурунли, манглайи қанчалик ташқарига ўсиб чиққан бўлса юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси вақтсизроқ яратилиб қолган бир маҳлуқ эди” [8.177]. Аммо ижобий ёки салбий образнинг тасвирига кўрагина муаллифнинг дунёқараши айнан шундай дея хулоса чиқаришга шошилмаслик лозим. Чунки бадиий асар қанча ҳажмга эга бўлишидан қатъи назар, турфа олам, мураккаб ҳаётнинг бир бўлагини акс эттиради холос.

3. Ёзувчиларнинг ўзига хослигини яққол кўрсатиб турадиган нарса бу унинг тилидир. Бадиий матн тилининг ўзига хослиги персонажларнинг руҳий кечинмалари, изтиробу шодликлари, кўрган кечирганлари, интим туйғуларининг қай тарзда акс эттирилишида кўринади.

Бадиий адабиёт тилида ўша асар яратувчисининг ўзига хос индивидуал хусусиятлари кўринар экан, ёзувчининг услуби икки муҳим нуқтада: идрок этиш услуби ва ифода этиш услубида намоён бўлиши ҳақида адабиётшунос С.Мамажонов 70- йиллардаёқ ёзган эди. Шунга уйғун фикрларни сўнгги йилларда амалга оширилган адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасидаги қатор илмий тадқиқотларда учратамиз: «…ёзувчининг дунёқараши, ўй фикри, унинг тушуниш даражаси, янгилик – ихтироси унинг асарларида бадиий тил орқали юзага келади» [10.4]. «Тил ҳар бир ёзувчининг ўзига хос стили (услуби)ни таъмин этувчи асосий омиллардан бири бўлиб, санъаткор қаламига хос бўлган индивидуал томонлар бошқа кўп бадиий факторларга нисбатан тилда кўпроқ намоён бўлади» [11.154].

Конкрет амалий тажриба учун қуйидаги матн парчаларини олдик:

“... буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да дунёда? Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да: “Бизнинг уйга ўғри келди”. Ғурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикин?” [12 .332]

“Кампир тонг қоронғусида хамир қилгани туриб хўкизидан хабар олди. О! Хўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... Дехқоннинг уйи куйса куйсин, хўкизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш – уй, хўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади.” [13. 291]

“Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини ўғирлаб кетишди. Ўша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала қуйиб чиқди. Шоикром тонг саҳарда бир нимани сезгандай кўнгли ғаш тортиб, уйига қайтди. Келса хотини, онаси, болалари дод солиб ўтиришибди.”[14.209]

Машҳур асарлардан олинган ушбу парчалар устида ўтказилган ихчам тадқиқотларимиз продуциентнинг матнга, матннинг реципиентга, продуциентнинг машҳурлиги, инсоний фазилатларининг бевосита реципиентга таъсири ва мана шу таъсир матнга муносабатнинг шаклланишига олиб келишини исботлади. Тажриба жараёнида миллий гуруҳлар ҳеч бир хатосиз юқоридаги парчалар қайси муаллифга тегишли эканлигини топдилар. Сабаби, ушбу матнлар уларга мактаб программасидан таниш. Шунинг учун уларда эслаш орқали аниқлаш осон бўлганини назарда тутиб, рус гуруҳларида ҳам синаб кўрдик. Аввал Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ў.Ҳошимов ижоди, уларнинг ўзига хос қирралари ҳақида қисқача маъ-лумот бердик. Сўнг юқоридаги матнларни рақамлаб, қайси матн қайси ёзувчига тегишли эканлигини топишларини сўрадик. Натижа биз кутгандек. Мил-лий гуруҳлардаги каби юз фоиз эмас, 60% дан 80 % гача тўғри топилган. Шу жараёнда яна бир фикр туғилди. Рус гуруҳларига нотўғри йўналиш берсак-чи, яъни Ғ.Ғуломнинг юморга бой содда тилини Ў.Ҳошимовга, А.Қаҳҳорнинг ихчамлиги, кескирлигини Ғ.Ғуломга, Ў.Ҳошимовнинг кенглиги, мулоҳа-закорлигини А.Қаҳҳорга нисбат берсак, реци-пиентлар биз кўрсатган йўналиш бўйича кетадиларми? Ҳа, худди шундай бўлди. Улар биз берган ёлғон информацияга алданишди. Ўз-ўзидан натижалар ҳам биз йўналтирган йўналиш бў-йича кетганлиги фикримизни исботлади. Шу ўринда яна бир фикр туғилди. Демак, ёлғон ахборотлар билан реципиентларнинг фикрига таъсир кўрсатиш мумкин экан. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари бундай ҳолатга зинҳор йўл қўймасликлари лозим. Сабаби, уларнинг ауди-торияси жуда катта. Озгина хатолик ҳам шов-шувга, тушунмовчиликка олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатнинг яна бир муҳим жиҳати бор. Ёшларнинг турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг туб сабабларидан бири ҳам ёлғон информация остидаги ҳақиқатни кўра олмасликдан келиб чиқади. Яъни ўз ғаразли ниятларини илоҳий китоблар – Қуръон ва Инжилнинг бузилган талқинларига ўраб олган кимсалар мақсадларига осон эришадилар. Чунки уларнинг таъсирига тушган кўпчилик ҳақиқий матн билан таниш эмас. Уларнинг онгида бу китобларнинг муқаддаслиги ва унга сўзсиз бўйсуниш лозимлиги ҳақидаги тасаввурлар бор холос. Бу жараён ҳам ғоят долзарб бўлиб, алоҳи-

да тадқиқот манбаи бўла олади. Хулоса қилиб айтганда, ўзига хос услубга эга бўлиш ҳаётга бошқача нигоҳ ташлаш, уни турли ракурслардан кузатиш ва тўғри хулосалар чиқара олиш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Адабиётлар:

1. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы.- М.,1971.- С.33.
2. Орипов А. Йиллар армони.- Т., 1984.- Б.98.
3. Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи.- М., 1980.- С.20.
4. Шкловский В.О. О теории прозы.- М., 1983.- С.56.
5. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи.- Т., 2002
6. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси.- Т., 2004.
7. Чўлпон. Асарлар. 3 ж. 1-ж.- Т., 1994.- Б.58.
8. Қодирий А. Ўтган кунлар.- Т., 1974.- Б. 7.
9. Мамажонов С. Услуб жилолари.- Т., 1972.- Б.80.
10. Нормуродов Р. Ш.Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. ном… дис.- Т., 2000. Б.4.
11.Турсунов Ж. Ғ.Ғуломнинг прозадаги маҳоратига доир: Филол. фан. ном…дис.- Т., 1963.- Б.154.
12. Ғулом Ғ. Ёдгор.- Т., 1983.- Б.332.
13. Қаҳҳор А. Асарлар. 5 ж. 1-ж.- Т., 1987.- Б.291.
14. Ҳошимов Ў. Ўзбек адабиёти дарслик-мажмуа. 6-синф.- Т., 1997.- Б.209

Андижон давлат университети,
2013 йил 20 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)